



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 23-iyul • Payshanba • 87 (30.048) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкўёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир».

## ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ташкентда 20-21 июль кунлари «Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол» мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ЕХХТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва Европа халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Хундистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Кувейт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, жамиятнинг модернизация қилиши ва демократик янгилашнинг асосий йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

Форум иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида Ўзбекистон шароитида амалга аснган иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг «ўзбек модели» республикамизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришни таъминлаётгани алоҳида қайд этилди. Мамлакатни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ушбу модели, унинг машур асосий беш тамойили ўзининг муҳимлиги ва истиқболли эканини амалда исботлади. Ўзбекистоннинг иқтисодий-сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ўзига хос тақрибаси халқаро экспертлар ва сиёсий доиралар эътиборини янада кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида тизимли ҳамда изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида самарали фаолият кўрсатадиган мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш тизими, хусусан, мустақил парламент, суд тизими ташкил этилганини таъкидладилар. Амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўйбга чиқариш борасида қўлга киритган ютуқларидан далолатдир. Ўзбекистонда жойларда муҳим иқтисодий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда нодавлат ношароит ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг қўламли ваколатларга эга бўлмоқда, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Мамлакатимизда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланаётгани мамлакатни тараққий эттириш бўйича танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самардорлигини исботлагани қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўрилаётган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ва иқтисодий дастурларда кўзда тутилган тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизга глобал иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал секторини жадал ва мувозанатли ривожлантириш, иқтисодий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш имконини беради.

Форумда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши таъкидланди. Истиқбол йилларида Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятининг яхлит тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва у муваффақиятли ҳал этилди. Жиноий жазолар тизимини, ҳуқуқчи му-

ҳофаза қилиш органлари фаолиятини босқичма-босқич ҳамда изчил эркинлаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, «Хабас корпус» институти фаол жорий этилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари устурилигини, уларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Қўйида халқаро давра суҳбати чет эллик иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларидан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

**Кларк Глессико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):** «Ўзбекистонни демократик янгилаш йўналишида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратта солди. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатингиз қўлаб ютуқларга эришди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг демократик кадрлар ва принциплар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш даражасини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.


Демократия концепцияси сифатида турли босқичли ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу борада ҳеч қим бир хил поғонада турмайди ва ҳеч қим ушбу йўлдан бир хил суратда олдинга ҳаракат қилолмайди. Энг муҳими, барчамиз битта йўналишда ҳаракат қилишимиз. Халқаро амалиёт сайловларни шунчаки ўтказиш демократия эмаслигини кўрсатди. Демократик ривожланиш муайян мамлакатлар тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини ҳисобга олиши лозим. Барча мамлакатларнинг бир хил демократик модель бўйича ривожланишни қилиш мантиққа эга.

**«Илтиқавий мулоқот» нодавлат ташкилоти директори Мьюша Север (Словения):** «Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат қурилиши, иқтисодиёт соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатингизнинг, биринчи навбатда, ўлим жазосини бекор қилиш, Жиноят кодексини эркинлаштириш борасидаги ютуқлари кўпгина мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистон катта салоҳиятга эга ва сиёсий барқарорлиги, кучли давлатчилиги, аҳолисининг ёшлиги ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги ҳамда ривожланган инфратузилмага эгаллиги туфайли минтақадаги етакчи давлат ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумладан, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари умум-жаҳон декларацияси мактаб дастурларидан жой олди, унинг амалга оширилиши эса давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Парламентнинг ролини кучайтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Давлат ва нодавлат ташкилотлар айна пайтда биргаликда ишлаш зарурлигини тушунади. Ўзбекистон модели сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин».

(Давоми 2-бетда)



18 Мустақиллик Энг Олий Нёмати

## Ташкентнинг 2200 йиллиги олдиан ШАҲРИ АЗИМНИНГ ЙЎЛДОШИ

Сергели туманида ободончилик, бунёдкорлик, фаровонлик йўлида амалга оширилаётган истиқболли эзгу ишлар ҳақида

### БУ — ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ...

Халқнинг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан ишлаб чиқиришда эришилаётган ютуқларга боғлиқдир. «Бизнинг турмуш тарзимиз билан танишмоқчи бўлсангиз ўтган йиллардаги ютуқлардан олдин ярим йиллик натижаларимизга эътибор қаратинг», — дейди туман ҳокими Муталиб Абдуллаев.

Сергели туман ҳокимияти иқтисодиёт бўлимининг бошлиғи Баҳром Каримов қуйидагиларни гапириб берди: — Биз иқтисодчилар рақамлар билан «ишлаймиз», шунинг учун кўрсаткичларимиз ҳақида гапирмоқчиман. Туманимизда sanoat ишлаб чиқариш жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ўтган йилнинг шу



Ташкент халқаро аэропорти Сергели тумани ҳудудида жойлашган



Туман ҳудудида бундай хушманзара гўшалар, замонавий иншоот ва гузарлар оз эмас



Бобур номли маҳалла болалари



Туманда қурилаётган «Ёшлар уйи»



«Шокир-арик» маҳалласи

даврига нисбатан ўсиш суръатлари 100,8 фоизга, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 142,7 фоизга, савдо айланмаси 177,7 фоизга, пудрат ишлари 128,6 фоизга, пуллик хизматлар 118,1 фоизга, шу жумладан, маийий хизмат 102,2 фоизга бажарилди.

Туманимизнинг четта маҳсулот экспорт қилиш салоҳияти ҳам ошмоқда. Оддий мисол. Ярим йилликда ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз маҳсулотларининг экспорт қиймати 15 миллион 646,0 минг АҚШ долларига тенг бўлди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,2 фоизга икром этилди.

(Давоми 2 ва 3-бетларда)

### Қарор ва ижро

Мамлакатимизда халқ саломатлигини сақлаш, жумладан, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб она ва бола соғлигини сақлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб келинапти.

## СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Президент Ислам Каримов 2009 йил 13 апрелда қабул қилган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури

тўғрисида»ги қарорлари бу соҳадаги ислохотларни янада жадаллаштиришда муҳим омил бўлди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда, аввало, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш асосий масала ҳисобланади. Хонадонларда тиббий маданиятни мустаҳкамлаш, соғлом маънавий муҳитни юзага келтириш учун оммавий ахборот воситалари янада қўламли ташвиқот олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда)

### ЎЗХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШДА

ёшларнинг алоҳида ўрни бор

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликда «Фуқаролик жамияти институти фаолиятини ўзгаришлар билан мувофиқлаштириш» мавзuida давра суҳбати ўтказди.

Ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда партиянинг Хоразм вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди. Фаол йигит-қизларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, қонуний манфаатларини таъмин-

лаш борасида мамлакатда олиб борилаётган изчил давлат сиёсати, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришда партия ташкилотларининг ўрни хусусида фикр алмашдилар.

— Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тараққиётини таъминлаш, ҳақон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида ёшларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор, — дейди ЎЗХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Гулмира Узоқбергана. — Уларни ҳар то-

монлама қўлаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Биз эса тенгдошларимизни диёримиздаги барча янгилаш жараёнларида янада фаол ва масъулиятли иштирокчини кучайтиришга масъулмиз. Шу мақсадда «Истиқбол»чи партиядошларимиз учун семинар ва тренинглари, ёш сиёсатчи танловлари ва Ёшлар маслаҳатхоналарини ташкил этган миз, тенгдошларимиз партия ташкилотлари уюштираётган оммавий-сиёсий тадбирларда иштирокчини таъминламоқдамиз.

Дилшод САЛАЕВ, ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Хоразм вилоят бўлими раиси.




ХАЛҚАРО КИМЁГАРЛАР ИТТИФОҚИ янги элементни тан олди



МАДАНИЯТ ВА САЊАТГА КАМАРБАСТА

АЙНУРА ҚУВОНЧИ Нухус шаҳар спорт коллежини тамомлаётган, академик эшак эшиш бўйича мамлакат тарма жамоаси аъзоси Айнур Ильясова учун бу йил зафар-қувончларга бой бўлди. У Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида икки киншилик эшак эшиш мусобақасида голиб чиққанди. Яқинда Ширин шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат кубогининг икки йўналишида галаба қозонди ва республикадаги олий ўқув юртининг бирига тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритди. **Ройнбой ЕШИМБЕТОВ**





# ЙЎЛДОШИ

(1995-1998 йилларда туғилган болалар) 80 нафар болалар Тошкент шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини мусобақаларида беллашадилар.

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга гухта таралдув кўрялмиз. Жумладан, санага бағишлаб спортнинг қатор турлари бўйича Сергели туман биринчилигини ўтказишни режалаштирдик. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёзи таътилини мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида ота-оналар, маҳалла кўмитаси би-

лашди. Оқсоқоллар: «Биринчи бўлиш доим ҳам қийин, аммо чўчи-ма, аҳилликда барака бўлади, қани, ишни бошла қизим», дея оқ фотиҳа беришди.

Хозирги кунда ширкатга 7 та кўп қаватли уй, 312 оила беришкан, 1027 нафар аҳолига коммунал хизмат кўрсатади.

— Коммунал соҳа худди рўзгорга ўхшайди, — дейди Ойзода. — Хеч юмшунинг аримайди. Ҳалол ишласанг баракасини беради. Аҳоли билан ишларда, аввало, уларнинг талаб-истакларини ўрганиш керак.



Сергели туман «Олимпия умидлари» болалар спорт мажмуасининг гимнастикачи қизлари

ларини бамаслаш ёшларни тўғаракларимизга жалб қилдик. Оқибатда 370 нафар 2-8 синф ўқувчилари мажмуамизда ҳар хил спорт тўғаракларига қатнапти. Уларнинг 35 нафари кам таъминланган оила фарзандлари, 40 нафари алоҳида эътиборга муҳтож болалар, 5 нафари тарбияси оғир ёшлар.

Ниятимиз — жисмонан соғлом авлодни воёга етказиш. Улар орасидан машҳур спортчилар етишиб чиқишига ишончимиз қомил.

**«ЖАХОНАРО ГУЛДАСТА»НИНГ ШУҲРАТИ**

Ўтган йили мустақиллик байрами арафасида Сергелида хушхабар тарқалди: «Жаҳонаро гулдаста»нинг раиси давлат мукофотига сазовор бўлибди! Дарҳақиқат, шундай. Президентимиз томонидан давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ юрдошларимиз қатори «Жаҳонаро гулдаста» уй-жой мулкдор-

ларимиз ҳам бундан ҳузурланмади. 2008 йилнинг апрель ойида АҚШ элчихонасининг ташкилотчилиги билан Халқаро коммуналчилар жамияти томонидан эълон қилинган кўрик-танловда қатнашди ва голиб бўлди. 2008 йилнинг 28 июлидан 19 августига АҚШнинг Оклахома штатидаги Тулса университетидан коммунал соҳа бўйича малака оширдик, тажриба алмашдик, сертификат олдим. Уларда коммунал тизими ассоциа-



12-сон оилавий поликлиника ҳаётидан лавҳа

нафар ўғилни воёга етказдик.

Давр ўзгаряпти, одамлар онгда мулкдорлик ҳисси шаклланди. Одамларимиз мулкни асраш, авайлаш, ўз-ўзини бошқариш, назорат қилишга одатланяпти. Туманимизни айлансангиз гувоҳ бўласиз. Қатор кўп қаватли уйлар ховлилари обод қилинди, болалар спорт ва ўйин майдончалари ташкил этилди.

Гапирсам гапим кўп, қолганини кейин, бафуржа айтиб берарман, — дейди у самимият билан.

Сергелига йўлингиз тушса, «Жаҳонаро гулдаста»га бир кириб ўтинг. Унга ширкат шўхрат келтирган аёл раҳбарни, меҳнат кетидан «Шўхрат»ли бўлган раиснинг қолган гапини ўзингиз эшитасиз.

**ТАРАҚИЁТ — ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА**

Юртбошимиз фарзандларимиз келажакда бахтли яшашлари, доно ва илмли бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш заруриги ҳақида кўп ўғит қилади. Бинобарин, мамлакатимизда халқ таълими тизимини такомиллаштириш йўлида кўп эзгу ишлар қилиняпти. Сергели туман халқ таълими бўлими тасаруфидида 67 та таълим муассасалари мавжуд. 26 та умумтаълим мактаби, 1 махсус мактаб, 34 та мактаб-гача таълим муассасалари, 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мажмуаси ҳақида 21-сонли мусика мактаби фаолият кўрсатяпти.

Таълим муассасаларида 38003 нафар ёшлар таълим-тарбия оляпти. 7490 нафар бола эса мактабгача тарбия масканларига қатнаяпти.

Азим пойтахтимизнинг шонли санасини муносиб кўтиб олиш мақсадида барча таълим муассасаларида кўкаламзорлаштириш, ирригация тармоқларини тозалаш, таъмирлаш ишлари бажарилиди. 11 минг туп даррахт кўчатлари, 33 минг дона гул кўчатлари ўтказилди. Шу билан бирга, боғча биноларининг фасадлари таъмирланди. Тартибга келтирилди.

Биатта шафқати бўлиш — бу азалий қадриятларимиз. Қадриятларимизни қадр топтиришда ёшларнинг ўзи фидойи бўлишяпти.

Бу борада туманининг мактабгача тарбия муассасаларида ҳам ўзига хос «кўнгилдилар ҳаракати» борлигидан қувондик. 8-мавзеддаги 598-«Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасасида 260 нафар бола тарбияланади, 13 та гуруҳ фаолият кўрсатади. Муассасанинг асосий йўналиши болаларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, аъналаримизни ривожлантиришдан иборатдир.

Муассасада пойтахтимизнинг қўтлуғ ўшини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Жумладан, болалар масканининг чўмилиши ҳавзаси таъмирланди, ўйин майдонларига турли хил ўйинчоқлар ўрна-тилди, боғ барпо этилди.

Бир нечта мактаб, боғчаларнинг фидойи муаллими, устозлари билан ҳамсухбат бўлдик. Улар: «Фарзандларимизга чўкур билим, таълим-тарбия бериш орқали биз юртимизнинг тараққиётига, ободлигини, озодлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўишя-миз», дейишди. «Тараққиёт — илм ва маърифатда», дейди 300-ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ўқитувчиси Холита Анорбоева.

**БИЛИМ ВА КАСБ МАСКАНИ**

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия, илм олиши, касб-ҳунари бўлиши масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истиқлол йилларида Сергели туманида ҳам йилгит-қизларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши учун янги-янги ўқув даргоҳлари очилди, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Сергели тиббиёт коллежи янги шундай илм ва ҳунар даргоҳларидан бири. У 2002 йилнинг март ойида ташкил топди. Қўйилқ-5 мавзесидаги собиқ 252-мактаб биноси қайта реконструкция қилиниб жой ажратилди. 2004 йилдан буюн Сергели тиббиёт коллежи деб номланди. Коллежда «Ҳамширалик иши», «Даволаш иши», «Тиббий пропедевтика» бўлимлари мавжуд.

Айни пайтда тиббиёт коллежиди 176 нафар малакали мутахассис ўқитувчи 3150 нафардан ортиқ ўқув-чиға таълим-тарбия бериб келишя-япти. 2008-2009 ўқув йилида 880 нафар ёш коллежни тамомлади.

Бу йилги ёзи таътилда ўқув масканида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Коллежимиз жамоаси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тарадуд кўраятти, — дейди Сергели тиббиёт коллежи директори Равадан Низомов. — Пойтахтимизнинг қўтлуғ санаси арафасида коллежимизда тендер қиймати салкам 2 миллиард сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилиди. Иссиқлик тизими, совуқ сув, канализация тармоғи қайта реконструкция қилинди. Ўқув хоналаримиз тўлиқ таъмирланиб, жиҳозлангилди.

Билим ва касб даргоҳини айланар эканмиз, ҳовли ўртасида қулф уриб, яшнаб очилган анвойи гуллар, бино пештоқидида «Сергели тиббиёт коллежи» ёзуви, девордаги тиб илмининг рамзи ҳам ажиб бир уйғунликка йўрилгандай. Манзарани кўзата туриб, кўкка қараб беихтиёр сергакланади киши. Юрт байроғи сокин ҳил-пираб турибди!

Соида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Суратлар муаллифи Абдусоид ҲАЙДАРОВ ва Шавкат ҚАҲҚОРОВ.



**ВАЗИРЛАР МАОШЛАРИ ҚИСКАРТИРИЛДИ**

Исроил парламенти бош вазир Бенъямин Нетаняху ва 29 нафар вазирнинг маошларини вақтинча қисқартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади, дея хабар беради «Глобс» нашри.

Кнессетнинг молиявий комиссияси ақдид қўллаб-қувватлаган ушбу ташаббусга қўра, ижроия ҳокимияти вакилларининг маошлар-

ри 1 августдан эътиборан 5 фоизга қисқартирилади ва бу 2010 йил охиригача амал қилади.

Вазирлар маошларининг 5 фоизи 1 минг 676 шекел (430 доллар)ни ташкил этади. Демак, шунча сўмма қисқартирилади ва августдан бошлаб уларнинг ойлик иш ҳақи 31 минг 836 шекел (8 минг 163 доллар) миқдориди бўлади. Бош вазири маошидан эса 1 минг 883 шекел қисқартирилади ва 35 минг 764 шекел ойлик белгиланади.

Маълумки, 2008 йил охирида Кнессет президентнинг, вазирлар ва улар ўринбосарларининг, парламент аъзоларининг ҳамда судьяларнинг маошларини ошириш тўғрисидаги қарорни бекор қилган эди.

Бу тadbирларнинг барчаси жаҳон иқтисодий инқирози таъсири доирасида юзага келган ноҳус молиявий-иқтисодий вазиятни юмшатиш йўлида амалга оширилмоқда.

**СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ КОРРУПЦИЯДА АЙБЛАНДИ**

Перу Олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Альберто Фухимори 7,5 йиллик қамок жазосига ҳукм қилди.

Тергов маълумотларига қараганда, у давлат ҳокимияти даражасида авж олган коррупция ҳақидаги ахборотларни ошкор этмаслиги учун мамлакатнинг Миллий разведка хизмати бошлиғи Владимиромо Монте-синосга 15 миллион доллар миқдориди пора берган.

Аммо Фухимори бу айбловни тан олмаяпти. У бу пулни коррупцияни сир сақлаш учун пора сифатида эмас, балки собиқ разведка бошлиғи томонидан режалаштирилган давлат тўнтаришини баргараф этиш масалаларини молиялаш учун берганини айтмоқда.

«Reuters» АА маълум қилишича, Фухимори аввал ҳам икки бор қамок жазосига ҳукм қилинган. Яъни Монтеинос рафикасининг уйда ноқонуний тинтув ўтказганиги учун 2007 йилда 6 йиллик, 2009 йил апрелда эса 25 йиллик қамок муддати белгиланган. 25 йиллик қамок муддати 1990 йилларда (президентлиги даврида) «сирли ўлим эскандони» тузгани ва 25 кишининг ўлимига сабабчи бўлгани учун берилган.

Хозир Фухимори жазо муддатини 2007 йилдан бошлаб Перуда ўтатмоқда, шу йили у Чилидан Перуга тутиб келтирилган.

**ХАЛҚАРО КИМЁГАРЛАР ИТТИФОҚИ ЯНГИ ЭЛЕМЕНТНИ ТАН ОЛДИ**

1996 йили Германиянинг Дармштадт шаҳридаги Оғир ионлар тадқиқот маркази олимлари тажрибасининг маҳсули бўлиши, Менделеев даврий жадалининг 112-ўринидан жой олган янги элемент Халқаро назарий ва амалий кимёгарлар иттифоқи (IUPAC) томонидан расман тан олинди.

Сигурд Хофман бошчилигидаги кашфиётчилар гуруҳи эндиликда бу янги элементга расмий ном топишлари лозим. Германиядаги Гельмгольц номи илмий-тадқиқот марказлари бирлашмаси вакили бу ҳақида маълум қилди.



«Унунбий» (лотинчадан олинган бўлиб, «бир-бир-икки» рақамини билдиради) деб шартли равишда аталаётган ушбу янги элемент Менделеев даврий жадалидидаги бўш ўрин — 117-элементи кашф қилиш устида иш олиб бормоқдалар, дейилади «Новости» АА хабариди.

Дарвоқе, шунга тақидлаш лозимки, 2002 йили Япониянинг «Рикен» тадқиқот институтининг ҳам гуруҳ мустақил экспертлари ҳам Сигурд Хофман муваффақиятини тақдорлаганлар.

**КЎЧА БЎЙЛАРИГА ТЕРАК ЭКИШ ҚАТЪИЙ ТАҚИҚЛАНДИ**

Томск шаҳри маъмурияти шаҳар кўчалари бўйларига терак кўчатлари экилишини қатъий тақиқлади.

Сабаб: тераклар маълум ёшга етган, аниқроғи, 30 йилдан кейин шунчалар мўрт ва заиф бўлиб қоладики, салгина шамолда ҳам кулаб тушади ва кишиларга ҳамда ён-атрофга катта зиён етказаяди. Шаҳар мэриясининг матбуот хизмати маълум қилишича, 40 йил аввал Томскда балъзам тераклари манзарали дарахт сифатида оммавий равишда экилган эди. Бундай тераклар жуда тез улғаяди. Аммо ёши чекланган — 30 йилдан кейин қаддини тик тутиб турулмаслик хавфи кучаяди. Шунинг учун ҳам мэрия хавфли ҳолга келган 10 мингдан ортиқ ва 50 ёшдан ўтган 16 мингдан ортиқ теракларни оммавий кесиб, ўрнига жука (липа) ва олма дарахтлари кўчатларини ўтказиш ҳақида фармойиш чиқарди.

Бундай фармойиш чиқарилишига тераклар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сабаб бўлди. Жумладан, 2001 йилда қамқов ва момақалдирокли жалада шаҳар марказидаги тераклардан бир нечтаси кулаши натижасида 16 ёшли қиз дарахт остида қолиб, нобуд бўлган. 2007 йилда эса 20 дақиқа давомидида эсган кучли шамол 200 дан ортиқ теракни кулатган ва 1 кишининг умрига зомин бўлган, 9 нафарини эса турли даражада жароҳатлаган, электр тармоқлари узилиши натижасида шаҳарнинг кўпгина туманлари электрсиэ қолган.

**Сергели пойтахтимизнинг йўлдош шаҳарчаси дея таърифланади. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан «Дўстлик» ва «Қўйлик» даҳаси, 33 та маҳалла, 226 та кўчалари ўз ичига олади.**

Туман ҳақида фикр юритганда, унинг иқтисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қорхоналарининг ўрни, аҳолига машиналар ва сервис хизмати сифати ҳамда самарадорлигига эътибор қаратиш жоиздир.

Сергели туманида ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда ОАЖ ҚК «Файз» ХК, «Тошкент-ламчиранингметалл» маъсулияти чекланган жамият, «Мелб» АЖҚК ҳамда «Барака альфа», «Рока текстиль», «Рамель текстиль» каби қўшма қорхоналарнинг улуши катта бўлмоқда. Зеро, бу ишлаб чиқариш қорхоналари туманининг иқтисодий юксалиши қалити ҳисобланади.

лари ширкати раиси Ойзода Мамбетова «Шўхрат» медални билан мукофотланган эди.

«Жаҳонаро гулдаста» уй-жой мулкдорлари ширкати 1999 йилда республикамизда биринчи бўлиб тузилган ширкат эди. Ойзода дастлаб иш бошлаганда унинг келажига ишончсизлик билдирганлар ҳам бўлган.

Ойзода олдинга иқбиланиб қолди. Сўнгра аҳоли билан мулоқотга киришди, уни қўллаб-қувват-

цияга айлангиланган, ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп экан. Уз навбатида бизнинг тажрибамиз ҳам, уларда жуда катта қизиқиш йўғоти. Маҳаллаларимиздаги ҳамжиҳат-лигимизга, халқимизга хос меҳр-муруватлигимизга, очиги, ҳайрат билан қарашди.

Ўтган ўн йил мен учун синовлар йили бўлди, негаки менинг асли қасбим банк соҳаси эди, янги йўналишда ишлаш осон кечмади. Умр йўлдошим Абдусоат Усмонов нафақада, 2



ОАЖ ҚК «Файз» ХК биноси



Равон кўчалар

**«FOYTAHT AUKSION» DUK TOMONIDAN O'TKAZILGAN KIMOSHDI SAVDOLARI NATIJALARIGA KO'RA**

Ўзбекистон Республикаси Milliy xavfsizlik xizmati Toshkent viloyat boshqarmasining d/r 10AV630 bo'lgan «Опель-Вектра» 6400000 so'mga, «Аxborot-Hisoblash markazi» DUK ning d/r 10AK926 bo'lgan «Damas DLX» 6900000 so'mga, «Transport xizmatlari sifatini nazorat etish boshqarmasi» DUKning d/r 10AP382 bo'lgan, «Нексия GLE» 5900000 so'mga, «O'zbekiston Telekomunikatsiya tarmoqlarini boshqarish respublika markazi» DUKning d/r 10AQ881 bo'lgan «Damas» 3900000 so'mga, O'zbekiston Respublikasi transport prokuraturasining d/r 10AX510 bo'lgan «Нексия» 4750000 so'mga, O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi Davlat Feld'yegerlik xizmatining d/r 10BA726 bo'lgan «Tiko» 3000000 so'mga, d/r 01/438FAA bo'lgan «Damas» 4300000 so'mga, d/r 10AX089 bo'lgan «ДЭУ Сиело» 3900000 so'mga, Qishloq xo'jalik ekinlari navlarini sinash davlat komissiyasining d/r 10 AP 575 bo'lgan «Нексия» 5250000 so'mga hamda Toshkent shahar hokimligi «Binolardan foydalanish departamenti» balansidagi, Sergeli tumani, Sputnik 6-mavze, 9-uyda joylashgan umumiy maydoni 42 kv.metrga teng bo'lgan bir qavatli bino 20000000 so'm investitsiya kiritish sharti bilan 18000000 so'mga, Yakkasaro tumani, Usmon Nosir 1-berk ko'chasi, 5-uyda joylashgan umumiy maydoni 500 kv.metrga teng bo'lgan bir qavatli bino 40000000 so'm investitsiya kiritish sharti bilan 90000000 so'mga sotilganligini ma'lum qiladi.

Объектнинг бошланғич қиймати: — қўшимча қиймат солиғи билан 247,149 млн. сўм, — қўшимча қиймат солиғисиз 205,958 млн. сўм. Ишларни тугаллаш муддати: 2010 йил 30 ноябрғача. Ишларни молиялаштириш бююртмачига ажратилган бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Наримонов кўчаси, 1-уй. Телефон: (8372) 226-40-61. Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: мудоффа объектларини куриш учун лицензияга, танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағи-

**Барча турдаги қурилиш таъинлотлари раҳбарлари диққатига!**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИИБ**

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади: «Жиззах шаҳридаги вилоят ИИБ турар жой биносини капитал таъмирлаш»

Ға ёки кўрсатиб ўтилган маблагини беришига банк қароланомасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни куриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллаги ва чет эл курилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қўшимча мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг так-

лифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади. Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўронома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳуқуқий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муросжат этиш мумкин: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-

хона. Тел/факс: 226-14-66. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчисиға тақдим этилиши охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати-гача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.

**Мамлакатимиздаги энг нуфузли нашрлардан бири — «Ўзбекистон овози» газетаси яхши ишга қўл урибди. Газетанинг шу йил 11 июль сонидан чоп этилган «Бир-ров»га келиб-кетинг...» сарлавхали мақола-ни ўқир эканман, бундан 40 йилча муқаддам Андижоннинг Ҳакан қишлоғида бўлиб ўтган тўй ёдимга тушди.**

Чем маҳалласида истиқомат қилувчи Хатичахон ая ўғли Ёдгорбекни уйлантириш ҳаракатига тушиб қолди. Отаси йўқлиги учун ўқимасин, деб тўй бошқаларидан кам бўлмаслиги учун елиб-югурди.

— Уғлим, ашулачиларсиз тўй бўлмайди. Агар сен «хўп» десанг, театрга бориб келаман. Уша ерда Уринбой деган ёш ҳофиз бор экан, айтаман...

— Майли, ўзингиз биласиз, — жавоб қилди ювошгина ўғли.

Онахоннинг ўғил уйлантириш тўйи жуда серфайз, эсда қоларли бўлди. Андижон театрининг худшовоз хонандаси Уринбой Нуралиев (ҳозир у киши — Ўзбекистон халқ артисти, Наманган театрида ишлайди) жуда чиққорли хизмат қилди. Ҳамқишлоқлар, қариндош-уруғлар анча оқибатли, ҳимматли экан, базмада ўзларини кўрсатишди.

Базм нихояланиб, одамлар тарқала бошлаганида ҳофиз чор-поёда ётган скрипка гилофи тўла пулни кўккарга чорсига тугди-да, тугунни тўй соҳибасининг қўлига тўтказди ва деди:

— Аяжон, мана бу сизга тўёна! Елкамизга ташланган тўн бизга кифой! Фарзандларингиз бахтли бўлсин!

— Ҳай-ҳай-ҳай, унақа қилманг, ука. Сиз ҳалол хизмат қилдингиз. Раҳмат! Бу — сизнинг ҳақингиз. Барака топинг! — дея онахон миннатдорчилигини изҳор қилди.

— Хурмат қилиб, тўйга айтидингиз, мана шу дуоларингиз бизга етди. Олинг аяжон, бизни хурсанд бўлсин десангиз, олинг.

Бу воқеани кузатиб турганлар хангу манг бўлиб қолдишди. Сукутати маҳалла мўйсифидларидан бирининг баланд овози бузди.

— Уринбой ука, отангга раҳмат! Шу бева аёлни миннатдор

қилишни Аллоҳ дилингга, калбиңга солибди. Илоҳим, асло кам бўлмагин. Тўпроқ олсанг олтин бўлсин!

Тўйхондаги барча кекса-ю ёш дуога қўл очдилар...

Орадан кўп йиллар ўтди. Так-

қилган хизмати ва ҳиммати ҳали-ҳали кўнчилиқнинг эъзиди.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, газетдаги мақолада кутаришган мавзу атрофида айрим фикрларим билан ўртоқлашгим келди.

Юқорида келтирилган икки лав-

жон Ҳамидовнинг маълум қилишича, Андижоннинг ўзида иш-хонасидаги асосий вазибаларидан ошаниб, тўйлар, турли маросимларда хизмат қилишга қодир 50 дан зиёд ижодий гуруҳ бор экан. Бошқарма раҳбарияти ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вилоят бўлими уларнинг фаолиятини йўналтириш, тарбиявий-ташқилотчилик ишларини олиб боришда аниқ режа ва амалда ўзини оқлаган тартибга эга. Вилоятдаги ижодий кенгашлар улар ўртасида таъсирироқ иш олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

чиқди, десак, муболага бўлмайди. Биргина Андижоннинг сезимли киши, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ер юзидаги энг обрўли мамлакатларга тақдир этилаётганлигининг ўзи ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Шўқри, бундай санъаткорларимиз ягона эмас. «Шарқ тароналари» халқаро фестивалининг бир неча йиллардан бери қўнча ва ҳаммаша навқирон Самарқанд заминидан ўтказилаётгани ҳам сизу биз учун гоят фахрлидир.

Чиндан-да гуруҳнасак ярашадиган ютуқларимиз беҳисоб. Хал-

### Аксс-садо

шилиш фойда келтирмайди, албатта. Маблағ масаласи ҳам худди шунга бориб тақалади. Қўшиқчи чиндан ҳам зўр бўлса, она тилимизга, миллий мусиқамизга ҳурмат билан қараса, ижрочи «алмоий-алжойи» гаплар-у, «қилпиллама» ҳаракатлардан йироқ бўлса, томошабин ундан топган-тутганини аямайди. Ҳомийлар ҳам керагича топилади.

Ҳали маҳалласига танилиб улгурмаган айрим эркатой «юлдуз»ларнинг қайсидир хотамтой амакиси, тоғажониси аралашуви билан мўътабар томошахоналарда «юз очди»си ўтказилишини ҳам тушуниб бўлмайди. Ҳой барақатонгир, Худо берган истеъдод бўлмаса, минг қўллаб-қувватлаган билан у элнинг меҳрини қозона олмайдди. Бунга мисоллар кўп...

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтишни лозим топамиз. Яқин ўтмишда санъатини дунё тан олган уч-тўрт «юлдуз»имиз маънавий етук эмаслиги сабабли эл назаридан қолди. Санъаткор оғзидан чиқётган ҳар бир калимга ўта эҳтиёткор бўлиши керак. Томошабин ҳузурда бўлар-бўлмас гапларни тап-тўрай айтиш асло ярашмайди. Қисқаси, ҳар бир санъаткор ўзини чинакам маданиятчи, маънавий инсон сифатида ҳис этсагина омма ўртасига чиқишга, қобилиятини, маҳоратини намоён этишга лойиқдир.

«Ўзбекистон овози» мулоҳазасига ўртага ташлаган ушбу мавзу ўзининг долзарблигини, маънавий тарбияга муносиб ҳисса эканлигини ўтказишга интилувчи хавасмандлар кўпайиб кетди. Майли, қардон кўп, ризки бўлак, дейдилар. Аммо уларнинг айримлари концертимга томошабин тушадими, йўқми, деб чуқурроқ ўйлаб кўрмаса керак. Ҳали пишиб этилмай, элга маъқул бўладиган дастурга эга бўлмай туриб, яққохон концерт қўйишга ш-

**Назиржон САИДОВ,**  
Журналистлар ижодий уюшмаси Андижон вилоти бўлими раиси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

# НАЗАРДАН ҚОЛМАЙИН ДЕСАНГ, ДУО ОЛ

дирни қарангки, ўша ҳофизнинг 60 ёшини нишонлаш маросимига қатнашиш каминанга ҳам на-сиб этди. Наманганнинг худшаво косоналаридан бирида базм бўлаётти. Навбат андижонлик дилбар ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Авазбек Махмудовга берилди.

У даврани шу қадар қизитдики, такор-такор ўйинга тушмаган одам қолмади. Базм нихоясида Авазбек устози Уринбой Нуралиевнинг 40 йилча муқаддам ўша Ҳакандаги тўйда қилган тантилиги ва саховатчилигини такрорлади. Тўпланган бир даста пулни давранинг бир четига омонатгина ўтирган оксоқолга тўтказди ва деди:

— Устажон, бу — Сизга! Бизларни шу даражага етказган Сизнинг дуоларингиз...

Билсак, қария Наманган театрини ривожига катта ҳисса қўшган улуглардан бири экан. Авазбек Махмудов Уринбой аканинг тававалуд айёмидаги сидқидилдан

ҳада баён этилганидек, илгари ҳам санъаткорлар тўйга боришга эди. Лекин, берганига, тушганига шўқр қилишарди. Ҳозир ҳам улар қабилар кам эмас.

Мен ўғил-қиз, набираларимга беш марта тўй қилдим. Уларда Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ҳожиқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдулхай Каримов, Турсунбой Парпиев, мумтоз қўшиқларимизнинг моҳир ижрочиси Рустам Гофуров, эстрада хонандалари Ғайрат Усмонов, Бахриддин Ҳамроқулова беминнат хизмат қилишган. Бирортаси ҳам ўзини бо-зорга солмаган, «хизмат ҳақим фалон доллар бўлади», демаган. Берганимизга қаноат қилиб, уэр сўрагандек «рози бўлинг» деб қўйишган.

Уларнинг халқ ичидига обрў-эйтибори тобора ортиб бораётгани боиси ҳам шунда. Вилоят ҳокимияти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи вазирасини бажарувчи Маннон-

Шу ўринда яна бир муҳим гап-ни айтмаслик адолатдан эмас. Юртбошимизга, ҳукуматимизга раҳмат! Санъат аҳлига ҳар томонлама гамхўрлик қилмоқдалар. Биздагича эйтибор дунёнинг бошқа бирорта давлатида йўқ. Пойтахтимиздаги Ўзбек миллий театри, Консерватория биноларидан тортиб олиш қишлоқларимиздаги маданият шохобчаларига — ҳамма-хаммаси эйтиборга олинган. Давлат дастури ишлаб турибди. Ўз навбатида санъаткорларимиз, кўп сонли маданият ҳодимлари ҳам бунга амалий ва беминнат хизматлари билан жа-воб қайтаришга интилоқдалар.

Санъаткорлар меҳнатини рағбатлантириши, соҳа фидойиларини қадрлаш, ёшларни тарбиялаш мақсадида йил сайин ўтказилаётган танловларда янги-янги номлар юзага чиқмоқда. Уларнинг меҳнатини тақдирлаш учун таъсис этилган мукофотларни-ку, ай-шмаса ҳам бўлади.

Ўзбек миллий санъати дунёга

қимиз санъат аҳлини эъзозлаб, қўлларга қўтариши ҳам бор гап.

Афсуски, газетда кўтарилганидек, санъаткорларимиз шаънига муносиб бўлмаган ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар учраб турибди. Санъат — халқниқидир, — деган гап бор. Агар сизни халқ тингла-маса, қўллаб-қувватламаса қим-га керагингиз бор?! Тўғрими?

Савол туғилади: нега тўйларимиз, бошқа маросимларимизда хизмат қилувчи санъаткорлар ат-рофида «нарх-наво»ларга доир гап-сўзлар кўпайиб кетди? Бизнингча, ҳозир яққохон қўшиқ сифатида ўзининг алоҳида концертини ўтказишга интилувчи хавасмандлар кўпайиб кетди. Майли, қардон кўп, ризки бўлак, дейдилар. Аммо уларнинг айримлари концертимга томошабин тушадими, йўқми, деб чуқурроқ ўйлаб кўрмаса керак. Ҳали пишиб этилмай, элга маъқул бўладиган дастурга эга бўлмай туриб, яққохон концерт қўйишга ш-



бораётган кенг кўламли фаолият халқнинг диққат-олқишига сазовор бўлмоқ-да.

«Янги авлод» болалар ижодиёти Республика фестивали эса 6-16 ёшгача бўлган 300 дан ортиқ болаларни ижод, маданият ва санъат, спортга жалб этиб, бўлғуси санъат ва мусиқа усталари ҳамда чемпионларни тарбиялаб, катта ҳаётга йўланма бермоқда.

2005 йилдан бери ўтказилиб келинаётган истеъдодли ёшларнинг «Келажак овози» Республика ёшлар танлови жағфарманинг энг қизиқарли ва кўп қиррали лойиҳасидир. Агар биринчи танловда 3 мингга яқин иқтидорли ёшлар қатнашган бўлса, 2008 йил уларнинг сони 54 мингга етди, 2009 йилда бу кўрсаткич


### КУРАШ — ОСИЁ ЎЙИНИДА

Миллий қадриятларимиздан бири бўлган ўзбек курашини бугунги кунда дунё халқлари катта қизиқиш билан ўрганишмоқда. Айни пайтда жаҳондаги 117 мамлакатда ўзбек кураши федерациялари борлиги фикримизнинг тасдиғидир.

Ўзбек кураши халқаро спорт ҳамжамияти сари яна бир дадил қадам ташлади. 1-9 август кунлари Бангкокда яққурашлар бўйича ўтказилган 1-Осиё ўйинлари дастуридан кураш мусобақалари ҳам жой олди. Ушбу беллашуларда Муқаддас Кубаева (48 кг. вазн тоифасида), Гулмира Исметова (70), Уктам Эргашев (60), Олим Равшанов (66), Ҳамро Примқулов (73), Азиз Темиров (81), Шерали Жўраев (90), Икром Нуриллаев (100) юртимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Осиё кураш конференциядан олинган маълумотга қараганда, қитъамизнинг кучли курашчилари ушбу мусобақага қизгин тайёргарлик қўришяпти.

Аброр УМАРОВ



## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТГА КАМАРБАСТА

Юртимизда самарали фаолият кўрсатиб келаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағфармаси 2004 йил ташкил этилган бўлиб, у ўзининг кенг қамровли иш жаравини халқаро тақдиротлар, мода ва дизайн, продюссерлик лойиҳалари, фестиваллар, кўргазмалар, концертлар, ҳамкорлик лойиҳалари, ҳомийлик акциялари ва турли йўналишлар бўйича ўтказиб-таъинлаш асосида олиб бормоқда.

сида янги дастурни, яъни «Педагогик грантлар дастури»ни илгари сурди. Ёшларимизнинг билим с.лиши, дунёқараш ва келажакини шакллантиришда муносиб хизматлари бор ўқитувчи-педагоглари кўллаб-қувватлаш дастури уч йўналишдан иборат бўлиб, унда халқ таълими тизими, ўрта махсус ва олий ўқув юрталари педагоглари ҳамда таълим соҳасида илмий иш олиб бораётган педагоглارнинг вакиллари иштирок этишлари мумкин. Дастурнинг ўқитувчи-педагоглари учун ахамияти шундан иборатки, унга янги ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, ўқувчи ва талабалар учун янги китоблар техник воситалар сотиб олиш имкониятини беради. Энг асосийси, совриндор бир мартагина грант эгаси бўлиб қолмай, у йил давомида ҳар чор-қада яна қўшимча равишда ҳақ олади.

Ҳар йили Ўзбекистон модельерлари ва дизайнерлар уюшмаси билан ҳамкорликда «Болажонлар — ширинтоилар» номи болалар мода фестивали, ранг-баранг ва қадимий халқ аъна ва урф-одатларини, амалий санъат намуналарини ўзида муҷассам этган «Аспрал садоси» аънаваний маданият фестивалини уюштиради. Икки йилда бир марта «Ўзбек аънаваний санъати»га янги-янги нигоҳ

янада кўпаяди. Жорий йилдан танлов архитектура ва дизайн, информацион технологиялар, аънаваний ва декоратив амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, «Ўзбекистон маданияти ва санъати фо-

шари остида ёш талантли мусаввирлар ва амалий санъат усталарини қўллаб-қувватловчи «Навқирон Ўзбекистон» номи санъат фестивалини ташкил этмоқ-ди.

«Базар-арт» кўргазма-ярмаркаси лойиҳаси эса,

Жағфарманинг асосий мақсади халқимизнинг бой ва қадимий аънаваларини, маданият ва маънавий меросини тиклаш, уни жаҳонга тарғиб этиш ҳамда жаҳон халқлари маданияти ва санъати намуналарини халқимизга танитишдан, иқтидорли ёшларни, касб эгаларини кашф қилиш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу тадбирлар халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг маънавий юксалишига муносиб ҳисса қўшапти.

Иқтидорли ёшларни, янги истеъдодларни ўзининг «Талим грантлари дастури», «Иқтидорли талабалар учун stipendиялар дастури», «Спорт грантлари дастури» орқали қўллаб-қувватлаш билан бирга, жағфарма 2006 йил ўқитувчиларнинг кўб байрами арафа-



икки йилда бир марта пойтахтимизга ўзлари яратган ноёб санъат асарлари билан келган юздан ортиқ амалий санъат усталари ва хунармандларни тўплайди. Ота-боболаримиздан азалий мерос бўлиб келаётган бу миллий санъатимиз аънаваларини тиклаш ва кенг халқ оmmasига таништиришда, истеъдодли ёш хунарманд усталарни моддий ва маънавий томондан қўллашда жағфарма олиб

руми» жағфармаси ўзининг кўп қиррали фаолияти билан халқимиз маданияти ва санъатини жаҳонга танитиш, дунё аҳли ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик-ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, юртимиздаги ёш иқтидорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали азиз Ватанимиз тарраққўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Гуллашова ЭРГАШҲУЖАЕВА

### «КОИНОТ»ДАГИ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент — Бухоро автомагистрал йўлининг чап томонида сўйим «Коинот» номи оромгоҳ мавжуд. У ҳар йили ёзда гўждувонлик ўқувчи-ёшлар билан тўлади. Бир томони ўрмон ҳўжалиги кўчазорларига туташ бу дам олиш масканига кириб борганда ҳамма ёқнинг орасталиги, тоза-озодалиги диққатни тортади. Соя-салқиндаги аргумчоқлар, шинам спорт майдончаси сузиш ҳавзаси болалар билан гавжум.

— Оромгоҳда уч босқичда қарийб 600 нафар фарзандимиз мириқиб дам олади, — дейди «Коинот» директори Зиёдулла Бозоров. — Бунинг учун бизга туман ҳокимлиги,

вилоят касаб ва уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси амалий ёрдам бериб келмоқда.

Дарҳақиқат, туман қишлоқ ва сув ҳўжалик бўлими тасарруфидига бу дилтортар дам олиш масканида турли спорт мусобақалари, адабий мушоира, ҳар хил учрашувлар ўтказилади. Тўғрақлар ишлаб турибди.

— Спорт ва ёш расмлар тўғралигида қатнашяпман, — дейди ўзини Рустам деб таништирган бола. — Бу ердаги тоза ҳаво, меҳрибон мураббийлар менга ёқди. Янаги йил ҳам «Коинот»га келаман.

Даврон БАҲРОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Қилмиш-қидирмиш НОҚОНУНИЙ СПИРТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тижоратнинг ўз қонун-қоидаи бор. Бироқ айрим юртдошларимиз ўз нафси йўлида қонунга зид иш қилишди. Қинғир ишининг эса охири вой бўлади.

Фарҳод Пулатов ўтган йилнинг январь ойида Учтепа туманида жойлашган «Лочин» кафееси олдида Қозғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 600 донна 1,2 литрли спирт маҳсулотини қонунга зид равишда сотаётган вақтида ушланган эди. Мазкур ҳолат бўйича Фарҳод Пулатовга нисбатан жиноий иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланганди.

Аммо Фарҳод Пулатов бундан ҳулоса чиқармаган экан. У иккинчи марта Яққасарой тумани «Аския» бозорига Қозғистон давлатида ишлаб чиқарилган 104 донна 1,5 литрли елим идишдаги спиртни сотиш мақсадида олиб келганда қўлга олинди. Унинг турар жойи қўздан кеңирилганда қўлбола арок маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган мослама, колқоқлар ва ёрликлар борлиги маълум бўлди.

Қонун-қоидага белисиз қараб, оғирни остидан, енгилни устидан ўтишга одатланган Фарҳод Пулатов 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Бахтиёр ҚОСИМОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДҚК департаменти  
Учтепа туман бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош директори Омонулла Юнусовга волидаи муҳтарамаси

НАФИСА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afvor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Partiya hayoti</b> 233-10-13
<b>Madaniyat va sport</b> 233-69-45, 233-21-43 (Tel. Faks)
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b> 233-20-36, 233-44-55
<b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot</b> 233-12-56
<b>Reklama va e'lonlar</b> 233-38-55, 233-47-80
<b>Mas'ul kotib</b> 233-72-83, 236-55-17
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda</b> — 25-32-70
<b>Buxoroda</b> — 223-06-02
<b>Gulistonda</b> — 25-46-45
<b>Jizzaxda</b> — 227-48-35
<b>Navoiyda</b> — 223-83-73
<b>Namanganda</b> — 226-43-43
<b>Nukusda</b> — 222-77-21
<b>Samarqandda</b> — 35-02-55
<b>Urganchda</b> — 517-30-58
<b>Farg'onada</b> — 224-18-78
<b>Denovda</b> — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchesi: Bardambek SA'DULLAYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta sahnbha, payshnba va shnba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyiyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г-649
8494 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 03.20 Topshirilgan vaqti — 04.30
1 2 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda